ИЛМИЙ БИЛИШДА МЕТОДОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДАГИ ТАЛҚИНЛАРИ

А.У.РАҲИМОВ

В данной статье освещены некоторые вопросы лингвистической методологии и её онтологическая сущность на сонове разных толкований.

In the present article some problems of linguistic methodology and its ontological essence were discussed on the basis of various interpretations.

Ихтиёрий илмий изланишнинг негизи ҳамда тадқиқотнинг умумий стратегиясини бошқарувчи бош тамойил методология саналади. Лекин шунга қарамай айрим тадқиқотларда ишнинг онтологик, гносеологик ва методологик аспектлари аниқ ва изчил ёритилмаётгани кўзга ташланмоқда. Тадқиқотнинг онтологик асослари кучсиз бўлганлиги боис кўпгина ишлар назарий жиҳатдан анча мунозарали жиҳатларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам методология масаласи тилшуносликнинг онтологик муаммоларидан бири ҳисобланади.

Методология тилшуносликда тадқиқот объектига бўлган ёндашувни, тадқиқот объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро алоқадорликни, илмий билишни шакллантириш усулларини, лингвистик тадқиқотнинг умумий ориентацияси ва характерини, тилни тадқиқ этишнинг турли хил усул ва методларини белгилайди. У тилшуносликдаги мавжуд назариялар билан узвий боғлиқ равишда муайян даражада лингвистик тадқиқотнинг илмий натижаларини ва фаннинг келажакдаги тараққиёти ва истиқболини олдиндан белгилайди. Ҳар бир фаннинг юксак тараққиёти у таянган методологияга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам барча фанларда, хусусан, тилшуносликда методология масаласи биринчи даражали долзарб фалсафий муаммо ҳисобланади.

Тилшуносликда методология (юнонча methodos – “йўл”, “усул” ва logos – “фан”, “таълимот” сўзларидан олинган) қуйидаги маъноларда тушунилади: 1) тилни тадқиқ этишнинг бошланғич тамойиллари ва махсус методлари тизими; 2) тил илмида фаолият ва тажрибаларнинг принциплари, тадқиқот объектини танлаш ва ўрганишнинг асосий мезонлари, метаилмий қадриятлар ҳақидаги таълимот [1.22].

Лингвистик методология 3 таркибий қисмни ўз ичига олади: 1) умумфалсафий методология – барча фанлардаги тадқиқотларнинг ориентацияси, йўналишлари ва тамойилларини белгиловчи қонунлар мажмуи. Масалан, диалектика ёки синергетика каби; 2) умумилмий методология – бир қатор фанларда, хусусан, тилшуносликда қўлланиладиган метод ва тамойиллар мажмуи. Масалан, моделлаштириш, индукция, дедукция каби; 3) хусусий методология (махсус лингвистик методология) – муайян бир фанда (тилшуносликда) қўлланиладиган методлар мажмуи. Масалан, тилшуносликда фаол қўлланиладиган компонент таҳлил, дистрибутив метод, қиёсий-тарихий метод, трансформацион метод кабилар.

Тилшуносликда методологик ёндашувнинг моҳияти ҳақидаги барча қарашларни фалсафий, идеологик, назарий, дисциплинар, диахроник ва этник талқинларга ажратиш мумкин.

1. **Методологиянинг фалсафий талқини** – методологияни фалсафий таълимот, янада аниқроқ ифодалаганда, фалсафий метод ҳамда дунёқараш сифатида тушуниш.

2. **Методологиянинг идеологик талқини** бу муайян мафкуранинг манфаатларига мос тарзда методологияни белгилаш демакдир. Бунга совет тилшунослигида диалектик материализмнинг ягона тўғри ва истиқболли методология сифатида, идеализмнинг эса буржуа мафкурага асосланган хато ва нотўғри методология сифатида талқин этилганлиги ҳолати мисол бўла олади. Аслида илмий методология ҳар қандай мафкуравий догма ва стереотиплардан холи бўлиши лозим [2.238].

3. **Методологиянинг назарий талқини** бу тилшуносликдаги мавжуд назария, оқим ва таълимотларнинг кейинги тадқиқотлар учун назарий асос ва дастуруламал сифатида эътироф этилиши демакдир. Бу жиҳатдан тилшуносликда дескриптивистик, бихевиористик, генератив-трансформацион, когнитив методологиялари ҳақида сўз юритиш мумкин.

3. **Методологиянинг дисциплинар талқини** деганда тадқиқот жараёнида тилшунослар ёки бутун лингвистик мактаб амал қиладиган энг муҳим аспектлар ва тамойиллар тушунилади. Масалан, тилшуносликда социологик (социолингвистик), психологик (психолингвистик), мантиқий методология, системологик ёки динамик методология, семасиологик ёки ономасиологик методология, исм, предикат ёки эгоцентрик сўзлар (лингвистик фалсафа) методологияси, семантика, синтактика ва прагматиканинг узвийлигини кўрсатувчи семиотик методология. Мазкур талқинга мувофиқ тилшуносликдаги мавжуд йўналишлар методологик тамойилларнинг

устуворлигига боғлиқ ҳолда маълум гуруҳларга ажратилмоқда. Формаллик ёки функционаллик тамойилларига кўра лингвистикани иккига бўлиш мумкин: 1) *тингловчи лингвистика* (*семасиологик* ёки *тавсифий тилшунослик*); 2) *сўзловчи лингвистика* (*ономасиологик* ёки *тушунтирувчи тилшунослик*).

4. **Методологиянинг диахроник талқини** машҳур фаншунос олим Т.Кун номи билан боғлиқ. Мазкур талқинга кўра илмий парадигмалар даврий равишда алмашиниб туради, маълум вақт устувор бўлган методология кейинчалик ўз ўрнини бошқа бир методологияга бўшатиб беради. Агар бундай устувор парадигмалар иккита бўлса, уларнинг алмашиниши маятник тебраниши каби бўлади (П.Паршин), агар улар учта бўлса, улар бир-бири билан айлана бўйлаб алмашинади (Д.Руденко), агар улар чексиз кўп бўлса, у ҳолда улар навбатма-навбат алмашиниб туради (Т.Кун) [3.341].

5. **Методологиянинг этник талқини** бу фандаги муайян таълимот, мактаб ёки йўналишларни ва уларнинг методологик асосларини маълум бир халқ ёки ҳудуд билан боғлаб тушунтириш демакдир. Масалан, Америка структурализм мактаби, француз функционализми, совет тилшунослиги, Қозон тилшунослик мактаби, Прага структурализм мактаби, Копенгаген структурализм мактаби, Вена тўгараги каби.

Тилшунослик тарихида тил шу кунга қадар *“аморф борлиқ”* (Ф.Шлегель), *“энергия”* (В. фон Гумбольдт), *“структура”* (Ф. де Соссюр), *“экзистенциал ва динамик жараён”, “борлиқ уйи”, “инсоният бошпанаси”* (М.Хайдеггер), *“ўз қоидаларига эга бўлган ўйин”* (Л.Витгенштейн) каби белгилар асосида талқин этилган. Лекин ҳалигача тилнинг сеҳрли ва мураккаб моҳияти тўла ўрганилгани йўқ. Бу хусусда Фердинанд де Соссюр шундай ёзади: *“Тил инсон учун феноменологик даражада очиқ холос”*. Мартин Хайдеггер эса бу фикрни мантиқий давом эттиради: *“Тилнинг моҳиятини ҳеч бир фан тушунтириб бера олмайди, у барча сирларнинг сиридир”*[4.170]. Тилнинг мўъжизавий ва сирли моҳияти, серқирра табиати, унинг мураккаб иерархик тизими барча олимлар томонидан эътироф этилса ҳам, тилшуносликдаги ҳар бир ёндашув, метод ва методология унинг қайсидир бир қиррасини очишга ҳаракат қилади.

XX асрда Европа ва Америка тилшунослигининг методологик асоси позитивизм бўлган. Бунга кўра фалсафанинг илмий ва методологик аҳамияти инкор этилади, тилшуносликнинг ўзанида юзага келадиган турли хил метод ва усуллар тадқиқотлар учун мутлоқ таянч методология сифатида эътироф этилади. Масалан, XIX асрда қиёсий-тарихий метод, XX асрнинг биринчи ярмида структур метод, XX асрнинг иккинчи ярмида формаллаштириш методи, XX аср охири XXI асрда моделлаштириш методлари тилшуносликдаги барча назариялар ва тадқиқотлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилган. Дарҳақиқат, мазкур методлар тилшуносликда узоқ вақт таянч илмий парадигма вазифасини бажарган, уларга асосланиб амалга оширилган тадқиқотлар тилшуносликда янги йўналиш ва мактабларнинг шаклланишига замин бўлган. Қиёсий-тарихий метод компаративистиканинг, структур метод функционализм, глоссематика ва дескриптив тилшунослик, формаллаштириш методи генератив тилшунослик ва математик лингвистиканинг, моделлаштириш методи компьютер лингвистикасининг юзага келишига асос бўлган.

Жуда узоқ вақт давомида тил илмида методологиянинг моҳияти фалсафа ва идеология доирасида қатъий белгиланган. Айниқса, шўро даврида тилшуносликдаги методологиянинг кенг ва атрофлича талқин этилишига ҳукмрон мафкура соя солган. Бу хусусда В.В.Иванов ўзининг ***“Учинчи минг йиллик тилшунослиги: келажак учун масалалар”*** номли мақоласида шундай ёзади: *“И.В.Сталин ўлимидан сўнг тилшунослик фани эркин нафас ола бошлади. Яъни юқоридан белгиланган қатъий методлар ва тил илмига мафкуранинг тазйиқи бир оз камайди”*[5.4].

Дарҳақиқат, ўзбек тилшунослигида шўро даврида тилнинг мўъжизавий ва илоҳий жиҳатлари хусусида фикр юритишнинг имкони бўлмаган. Атеистик таълимотлар ва шўро мафкураси бунга имкон бермаган. Кўпинча тил жамият билан узвийликда олиб қаралиб, ижтимоий алоқа воситаси сифатида талқин этилган холос. Аслида тил нафақат инструментал ва функционал табиатга эга, балки онтологик моҳиятга ҳам эга бўлган ўзига хос сирли ва илоҳий қудрат тимсоли ҳисобланади. Истиқлол туфайли тилга бўлган ёндашувда ҳам бошқачароқ методологик позицияларда бўлиш имкони туғилди. Шу нуқтаи назардан бугунги эркин ва ҳур замонда ўзбек тилшунослигида методология масалаларини комплекс ўрганиш, уни ҳар томонлама ва атрофлича таҳлил этиш, қайта баҳолаш зарурияти пайдо бўлди.

Тилшунослик фанининг ҳозирги ҳолати учун хос бўлган муҳим методологик тамойил бу полипарадигмалликнинг мавжудлигидир. Тилга антропоцентрик ёндашув натижасида прагмалингвистик, психолингвистик, социолингвистик, лингвокультурологик, лингвогерменевтик, лингвокогнитив парадигмалар юзага келди. Мазкур ҳолат тилшуносликда тадқиқотлар олиб боришнинг турфа хил йўллари ва усуллари мавжудлигини кўрсатади. Ҳозирда ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотларда диалектикага ёнма-ён тарзда синергетика, герменевтика, прагматика, феноменология каби янгича ёндашувлар ва аспектлар ҳам фаол қўлланилмоқда. Яъни совет тилшунослигида яккаҳукмрон методология саналган диалектика (диалектик материализм) ҳозирда янгича методологияларга ён

бермоқда. Бу эса замонавий ўзбек тилшунослигининг методологик плюрализм асосида тараққий этаётганини кўрсатувчи ёркин далилдир. Лекин шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, методологик плюрализм ҳам, бир жиҳатдан, ижобий ва яна бир жиҳатдан эса салбий ҳолат саналади. Бунда серқирра табиатга эга тилнинг ҳар бир жиҳатини ўрганишда қўлланиладиган метод, усул ва ёндашувларнинг турличалиги назарда тутилади. Баъзан методологиянинг турли-туманлиги хулосаларнинг ҳам турфа хил бўлишига ва ноаниқ ечимларга олиб бориши мумкин. Бу тилнинг маълум аспекти доирасида методологик ориентациянинг тўғри танланишига боғлиқдир. В.Г.Гак бу ҳақида шундай ёзади: *"Илмий қарашларнинг ранг-баранглиги – объектив ҳақиқат, лекин бунда тадқиқотларнинг тартибсиз равишда олиб борилиши ("анархия") ва қуруқ тадқиқотчининг субъективизми тушунилмайди, балки тил фактлари ва ҳодисаларининг, ўзига хос хусусиятларининг илмий талқин этилишига кўпроқ урғу берилади"*[6.69]. Демак, тилшуносликда тадқиқот олиб боришдаги "демократия" ва методологик плюрализмни маълум аспект доирасида тўғри талқин этиш лозим.

Агар табиий фанлар ёки аниқ фанлар мутахассиси хато қилса, уларнинг ёндашув ва методикасидаги хатолик дарҳол амалиётда ўз таъсирини кўрсатади. Тилшуносликда эса методологик хато таъсири дарҳол юзага чиқмайди, лекин аста-секинлик билан кескин ва бирин-кетин нотўғри хулосаларни ва талқинларни келтириб чиқаради. Бу ҳолат худди тиббиётдаги иррадиация ҳолатини эсга солади. Яъни касаллик инсон танасининг маълум бир нуқтасида юзага келса, у секин-аста бутун баданга тарқалиб, уни заҳарлайди. Тилшуносликда ҳам худди шунга ўхшаб методологиядаги биргина хатолик бутун назариянинг ёки тадқиқотнинг пучга чиқишига сабаб бўлади. Шу боис методология масаласида ҳар бир тилшунос ўта ҳушёр бўлиши лозим.

Лингвистик тадқиқотнинг муҳим гносеологик омили тадқиқотчининг шахсияти ҳисобланади. Тил билими, лингвистик компетенция (салоҳият) ва лингвистик интуиция тилнинг илмий манзараси ва тадқиқот методикасини сезиларли даражада олдиндан белгилаб беради. Поляк тилшуноси Иренеуш Бобровский бу хусусда шундай ёзади: *"Тилшуносликда маълумотлар базаси ва манбаларнинг мавжудлигига қарамай лингвист учун асосий ва ягона манба унинг ўз лингвистик компетенцияси ва интуициясидир"*. В.Матезиус ҳам ўзининг "Функционал тилшунослик" номли мақоласида шунга монанд мулоҳаза билдирган: *"Кимки нозик лингвистик сезги (интуиция)га эга бўлмаса, у янги типдаги тилшунос бўлиши мумкин эмас"*.

Л.В.Щерба ҳам тилшуносларнинг ўз лингвистик интуициясига қатъий таяниб иш кўришларини таъкидлаган [7.24-39]. Бунда тилнинг икки томонлама моҳиятга эгалигини таъкидлаш лозим. Айниқса, тадқиқотчи учун тил бир вақтнинг ўзида ҳам объект, ҳам субъект ҳисобланади. Тилшунос тил ҳодисаларини ўрганар экан, тил манба сифатида объект бўлса, лингвистга муносабатига кўра субъектдир. Яъни лингвист тилни ўрганар экан, бевосита тил ва тилшунос ўртасида ўзига хос интерактив муносабат юзага келади. Мазкур ёндашув замонавий тилшуносликнинг бош методологик аспекти бўлиши лозим.

Бизнингча, ҳар қандай изланиш ва тадқиқотнинг бош тамойили "шубҳа" бўлиши лозим. Чунки шубҳа сабабли илм-фанда мунтазам янгиланиш, ўзгариш ва ривожланиш жараёни юз беради. Лингвист шу кунгача яратилган тадқиқотларга янгича ёндашувлар ва методлар асосида қайта нигоҳ ташлаши, эришилган илмий натижаларнинг маълум қирраларини шубҳа остига олиши, илмий ҳақиқатга эришишнинг янги аспектларини узлуксиз қидириши лозим. Мазкур жиҳатлар тилшуносликда амалга ошириладиган изланишларнинг энг муҳим онтологик ва гносеологик асосларидир.

Адабиётлар:

1. Nurmonov A. Lingvistik tadqiqot metodologiyasi va metodlari. – T.: Akademnashr, 2010. – B.22.
2. Алефиренко Н.Ф. Методологические основы науки о языке // Сборник научных трудов. – Волгоград: Перемена, 1998. – С. 238.
3. Микешина Л.А. Философия науки: эпистемология, методология, культура. – М., 2006. – С. 341.
4. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. – М., 1991. – С. 170.
5. Иванов Вяч. Вс. Лингвистика третьего тысячелетия: вопросы к будущему. – М., 2004. - С. 4.
6. Гак В.Г. О плюрализме в лингвистических теориях // Филол. науки. 1997. № 6. – С. 69.
7. Щерба Л. В. О трояком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкознании // Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. - Л., 1974. - С. 24-39.

Андижон давлат университети,
2011 йил 30 августда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)